O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 16 сентябрь, чоршанба • № 72 (11.055) • Эркин нархда сотилади

## ТАШРИФ ДАВОМ ЭТМОҚДА

*14 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат ташрифи билан Исроилга жўнаб кетди.*

Ташриф олдидан Ислом Каримов Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситалари вакилларига қисқача интервью бериб, жумладан, бундай деди:

— Исроил гарчи ҳудуди жиҳатидан кичик давлат бўлса-да, саноат, илм-фан, қишлоқ хўжалиги соҳалари бўйича жаҳондаги тараққий этган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун Исроил билан ҳар томонлама муносабатларнинг ривожланиши Ўзбекистон учун катта фойда келтириши мумкин. Масалан, пахтачилик соҳасида ҳамкорлик қилишнинг фойдали жиҳатларини олиб кўрайлик. Юртимизда ҳар гектар пахта майдонидан 27—28 центнердан ҳосил олинади. Исроилда эса бу кўрсаткич 70 центнерга яқин. Кўриниб турибдики, биз бу борада ҳамкорлик қилсак, асло ютқазмаймиз.

Шунингдек, электроника, автоматлаштириш, кимё, юксак технология соҳасида Исроил эришган ютуқлар Ўзбекистонда ҳам тадбиқ этилса, яъни шу асосда ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилса, юртимизнинг эртанги кунини яратишда катта муваффақиятларга эришиш мумкин бўлади.

Тарихдан маълумки, ўзбек халқи иккинчи жаҳон уруши йилларида қатағон қилинган 250 мингдан ортиқ яҳудийни ўз бағрига олиб, улар билан сўнгги бурда нонини баҳам кўрган. Шунинг учун уларнинг бугунги кунда Исроилда яшаётган авлодларининг Ўзбекистонга ҳурмати баланд. Бу эса икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлашда асосий омиллардан бири бўлади.

Тошкент аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов, Бош вазир Ўткир Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

* * *

***Қуддус, 14 сентябрь. (ЎзА махсус мухбири Фарҳод Арзиев хабар қилади).*** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат ташрифи билан Исроилга келди.

Исроил давлати Президентининг қароргоҳида мамлакатимиз раҳбарини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Унда икки давлат Президентлари қисқача нутқ сўзладилар. Мамлакатимиз раҳбарини расмий кутиб олиш маросимида Исроил давлати бош вазири Беньямин Нетаньяху ҳам ҳозир бўлди.

Шундан сўнг Ислом Каримов Қуддус шаҳрида иккинчи жаҳон урушида қатлиом этилган яҳудийлар хотираси учун тикланган «Яд ва Шем» ёдгорлигини бориб кўрди. Ислом Каримов уларнинг хотирасига ҳурмат бажо келтириб, ёдгорлик пойига гулчамбар қўйди.

Шу куни Президент Ислом Каримов ўзи учун ажратилган «Шоҳ Довуд» қароргоҳида Исроил савдо ва саноат вазири Н. Шаранскийни қабул қилди. Учрашувда томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан Исроил давлати Президенти Эзер Вейцман ўртасида бўлиб ўтган учрашув куннинг муҳим воқеаси бўлди. Исроил Президенти қароргоҳида бўлиб ўтган ушбу мулоқот халқаро сиёсатдаги долзарб муаммолар, минтақавий хавфсизлик, икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар истиқболи билан боғлиқ масалалар хусусида бўлди.

Оқшом Исроил давлати Президенти Эзер Вейцман Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов шарафига расмий қабул маросими уюштирди.

Ислом Каримовнинг Исроилга давлат ташрифи давом этмоқда.

***(ЎзА).***

### *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
### *ҚАРОРИ*
### Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли кучлар, чегара ва ички қўшинлар сафларидан заҳирага бўшатиш ва фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ва «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қуролли кучлари, чегара ва ички қўшинлари сафларидан заҳирага бўшатилсин.

2. 1971-1980 йилларда туғилган, чақириқ муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 1998 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 14 сентябрь.

## ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси делегацияси 1998 йил 6-12 сентябрь кунлари Москва шаҳрида бўлиб ўтган Парламентлараро Иттифоқнинг 100-юбилей конференцияси ишида қатнашди.***

Конференция ишида Парламентлараро Иттифоқ аъзоси бўлган 137дан зиёд мамлакат парламентчилари қатнашди, кузатувчи сифатида эса конференцияда 20дан ортиқ мамлакат вакиллари иштирок этди.

Конференциянинг тантанали очилиш маросимида Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин сўзга чиқди. Россия Федерацияси Давлат Думаси Раиси Геннадий Селезнёв Парламентлараро Иттифоқ 100-конференциясининг Раиси этиб сайланди.

Ўзбекистон делегацияси раҳбари А. Қосимов дунёдаги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий вазият масалалари бўйича мунозараларда сўзга чиқди. У ўз нутқида конференция қатнашчилари эътиборини Афғонистондаги воқеаларига қаратди ҳамда Ўзбекистон раҳбариятининг бу мамлакатдаги ҳарбий-сиёсий вазиятдан ташвишда эканлигини билдирди. Конференция қатнашчилари ўртасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Афғонистондаги воқеалар муносабати билан қабул қилган Баёноти тарқатилди.

Конференция давомида Ўзбекистон делегацияси аъзолари Россия Федерацияси, Қирғизистон, Германия, Англия, Канада, Ҳиндистон, Исроил, Болгария ва қатор бошқа давлатлар вакиллари билан учрашувлар ўтказишди. Уларнинг барчаси Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш тажрибасига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов томонидан олиб борилаётган республиканинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши, мамлакатда демократия ва ҳуқуқни ривожлантириш, барқарорлик ва ижтимоий тотувликни мустаҳкамлашга қаратилган ички ва ташқи сиёсатга юқори баҳо беришди. Исроил, Ҳиндистон, Россия ва Канада каби кўплаб мамлакатлар вакиллари Ўзбекистон парламенти билан икки томонлама алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришдан ғоят манфаатдор эканликларини билдирдилар.

## ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ АВАЙЛАЙЛИК

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тараққиёт дастури ҳамда Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ташкил этган «Гендер ва тараққиёт» бюроси бир қанча вазирлик, идоралар, вилоятлар ҳокимликлари, нодавлат ташкилотлари вакиллари, шунингдек журналистлар иштирок этадиган бир ҳафталик тренинг уюштирди. Машғулотларни олиб бориш учун БМТ тараққиёт дастурининг мутахассислари таклиф қилинди.

Тренинг дастурини «Гендер ва тараққиёт» бюроси директори, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Диловар Қобулова очди. У тингловчиларни эркак ва аёллар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни ўрганиш ва уларни уйғунлаштиришга қаратилган қўшма лойиҳани амалга ошириш жараёнлари билан таништирди. «Гендер ва тараққиёт» бюроси республикамизда бир йилдан бери ишлаб турибди ҳамда давлат бошқарув органлари ва нодавлат бирлашмалари билан ҳамкорлик қилмоқда. Бу борада жиддий тадқиқотлар олиб борилмоқда, Ўзбекистонда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини янада ошириш бўйича миллий дастур ишлаб чиқилмоқда.

***А. ИВАНОВА,***
***ЎзА мухбири.***



## ХИРМОНГА БАРАКА

ПАХТАКОРЛАР орзиқиб кутган кунлар келди. Катта машаққатлар эвазига етиштирилган ғўза тупларидаги кўсаклар қийғос очила бошлади. Белларига этак боғлаб, енг шимариб олган теримчилар шодумонлик билан далага отландилар. Пскент туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги Абдурашид Қосимов бошлиқ 5-бригада пахтазорларида бўлсангиз одамлардаги ана шундай кайфият, кўтаринки руҳнинг гувоҳи бўласиз.

— Бу йил теримга бироз кеч тушдик, — дейди Малоҳат Раимқулова. — Лекин, ҳечқиси йўқ. Ҳаво очилиб турса, бўлгани. Етказиб оламиз. Мен биринчи куни 50 килограммдан ошириб тердим. Яна уч-тўрт кундан сўнг 80-100 килограммга чиқаришга ҳаракат қиламан.

Малоҳатнинг бу гапларини, унинг дугоналари ҳам тасдиқламоқда.

...Кенг пахтазорларда ишлар авж олиб кетадиган, терим ёппасига бошлаб юбориладиган кунлар узоқ эмас. Демак, хирмонлар жадал юксалади. Режани бажариш учун дадил одимлар қўйилади.

***Ҳусанбой АВВАЛОВ олган сурат.***

## МАЪМУРЧИЛИККА НЕ ЕТСИН

***Яқинда бир дўстим билан «Фарҳод» деҳқон бозорига кирдик. Юртимиз бозорларини таърифлашга сўз йўқ. Пештахталар дала ноз-неъматлари билан тўлиб-тошган. Янги узилган помидор дейсизми, олма-узум дейсизми... Хуллас, Ўзбекистон далаларида нимаики етилган бўлса, ҳаммаси бор. Тўкинлик шу қадарки, қай бирини олишни билмай ақлинг шошади. Нархи ҳам арзон.***

*Муносабат*

Бозордан чиқиб озиқ-овқат дўконига йўл олдик. Минг шукрки, магазинларимиз пештахталари тўла. Истаган магазиндан истаганча ун ҳам, гуруч ҳам, чой ҳам сотиб олиш мумкин. Маъмурчилик дегани шу эмасми, айрим қўшни давлатларда тақчиллик ҳамон давом этаётган, ҳатто кучайиб бораётган бир шароитда бизнинг юртимиздаги бундай тўкинчилик...

Яқинда мустақилликнинг етти йиллигини нишонладик. Ўтган етти йил мобайнида етмиш йилда амалга оширилмаган ишлар рўёбга чиқди. Буларнинг бари юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар туфайлидир. Эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий ҳимоялаш, халқни кундалик зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашга айниқса катта эътибор берилмоқда. Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида биргина Тошкент вилоятида савдо обороти 25 миллиард сўмни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан икки фоиз кўп. Марказлашмаган усулда бир миллиард сўмлик халқ истеъмол моллари келтирилди ва савдога чиқарилди. Диққатга сазовор томони шундаки, аҳолига ун, гуруч, ўсимлик ёғи, шакар, хўжалик совуни ва бошқа маҳсулотлар мунтазам етказиб берилмоқда. Кўрсатилаётган савдо хизмати салмоғининг 83 фоиздан кўпроғи нодавлат секторига тегишли.

Деҳқон бозорлари қиёфаси ҳам бутунлай ўзгарди. Ангрен, Олмалиқ, Бекобод, Янгийўл шаҳарлари ва туман марказларидаги бозорлар қайта таъмирланди. Бир неча янги деҳқон бозорлари очилди. Сотувчи ва харидорлар учун яратилаётган қулайликлар натижасида кундалик тушум 3-4 баравар кўпайди. Бу эса ўз навбатида бозорларни ободонлаштириш билан бирга давлат хазинасини тўлдириш, бинобарин, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларни ўз вақтида тўлаш имконини туғдирмоқда.

Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, тўкинчилик ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, албатта. Эсингизда бўлса, давлат мулкини хусусийлаштириш энг аввало дўконлар, ошхона ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчаларидан бошланган эди. Бироздан сўнг истеъмол бозорини тўлдириш, бунда савдо корхоналари имкониятини кенгайтириш мақсадида нархлар эркинлаштирилди. Ўз навбатида Вазирлар Маҳкамаси озиқ-овқат маҳсулотларининг айрим турларини сотишни тартибга келтириш тўғрисида, яқинда эса озиқ-овқат маҳсулотларини фақат турғун савдо корхоналаридагина сотиш тўғрисида махсус қарор қабул қилди. Бу эса истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳам изчил ҳимоя қилинаётганидан дарак беради.

Маъмурчиликнинг яна бир муҳим белгиси бизда озиқ-овқатларни четдан келтиришга деярли барҳам берилди. Уларнинг асосий қисмини ўзимизда ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилмоқда. Зеро, ўзингда бўлганига не етсин, деган нақлга амал қилган халқ ҳеч қачон кам бўлмайди.

***Неъмат ДУШАЕВ,***
***ЎзА мухбири.***

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

*янгиликлар, одамлар, воқеалар*

### ХОРИЖГА — ДАВЛАТ ГРАНТЛАРИ БИЛАН

***«УСТОЗ» республика жамғармаси педагогларни етакчи хорижий илмий ва таълим муассасаларида тайёрлаш дастурига ҳам эга.***

Ана шу йўриқнома талаблари асосида маркетинг, менежмент, суғурта, педагогика, психология, нефть ва газ индустрияси, халқаро иқтисодий муносабатлар соҳалари бўйича ўқитувчи ва педагогларни қайта тайёрлаш, улар малакасини ошириш ва тажриба алмашишни ташкил этиш республика танлови эълон қилинган эди.

Яқинда бу танловга якун чиқарилди. Танлов ғолиблари чет элда ўқиш учун давлат грантларига эга бўлдилар. Улар янги 1998-99 ўқув йили давомида АҚШ, Буюк Британия, Франция, Олмония, Япония ва Малайзиядаги илмий ва таълим муассасаларида ўз билим ва малакаларини оширадилар. Бундай имтиёзга Тошкент Давлат Аграр университетининг ўнга яқин ўқитувчиси, докторант ва аспирантлари ҳам сазовор бўлдилар. Ғолиблар орасида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-текшириш институти олимлари ҳам бор.

***Акбар АЛИЕВ.***

### ХИТОЙЛИКЛАР ШЕРИКЛИГИДА

***Олмалиқдаги темир-бетон конструкциялари ва буюмлари корхонаси жамоаси яқинда истеъмол бозорига ўзининг янги маҳсулотини чиқарди. Бу ерда хитойлик шериклар билан полиэтилен толасидан қоп ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.***

Шаҳардаги қатор корхоналар бу маҳсулотга харидор бўлдилар. Айниқса, «Аммофос» ҳиссадорлик жамияти буюртмаси катта бўлди. Чунки, ишлаб чиқарилган маъданли ўғитларни солиш учун қоплар жуда кўп талаб қилинади.

Янги цехдаги асбоб-ускуналар хориждан келтирилди. Корхонадаги мавжуд ишлаб чиқариш биноларининг бири шунга мослаштирилди. Ҳозир цехда ўн нафардан ортиқ киши иш билан таъминланди. Кейинчалик маҳсулот тайёрлаш ва ишчилар сонини кўпайтириш назарда тутилмоқда.

***Собир ҲАМИДОВ.***

### БЎШ ЎРИНЛАР ЯРМАРКАСИ

***ЯНГИЙЎЛ тумани меҳнат биржаси бўш ўринлар ярмаркасини ўтказди. Унда тумандаги барча саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотлари, муассасалар вакиллари қатнашдилар.***

Улар ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар намуналарини намойиш қилдилар, бўш ўринларга ўзлари учун зарур касбдаги янги ишчиларни жалб қилишга алоҳида эътибор бердилар. Айни вақтда истаган ёшларни ҳунар ўрганиш учун шогирдликка қабул қилдилар.

Ярмарка давомида юз нафардан ортиқ ишсизлар ишлаб чиқариш жамоалари сафига қабул қилиндилар.

***Аҳмаджон РИХСИБОЕВ.***

### МАКТАБ-БОҒЧА ИШГА ТУШДИ

***МИЛЛИЙ Дастур асосида таълим-тарбия ишларининг қуйи бўғинларида ҳам янги-янги тадбирлар амалга оширилмоқда. Бўка шаҳридаги 1-болалар боғчасининг қайта жиҳозлаб, янги ускуналар билан таъмин этилиб, мактаб-боғчага айлантирилганлиги бунга мисолдир.***

Мактаб инглиз тилига ихтисослаштирилди. Унда ўқиш учун танлов асосида 27 нафар иқтидорли болалар қабул қилинди. Махсус тайёргарлик курсида ўқиб келган Шаҳло Бўтаева, Рафиқ Афзалимов, Муқаддас Абдулазизова, Дилноза Шокировалар дарсларнинг қизиқарли ва мазмунли ўтиши учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

***Эргаш ЙЎЛДОШЕВ.***

### ЧИРЧИҚ ВЕЛОСИПЕДЛАРИ

***ЧИРЧИҚДАГИ «Электрокимёсаноати» ишлаб чиқариш бирлашмаси Буюк Британиянинг «Galax-worldwide-trading» фирмаси билан ҳамкорликда велосипед ишлаб чиқаришни йўлга қўйишди.***

Низом фонди 300 минг АҚШ долларини ташкил қилувчи мазкур корхонани барпо этишда иккала томон ўз маблағлари билан тенг асосда қатнашдилар. Бунда Буюк Британиянинг велосипед ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда иккинчи ўринда турадиган нуфузли «Caikl» фирмаси муассис сифатида иштирок этмоқда.

Қўшма корхона тўла қувватга етгач, йилига 150 минг дона велосипед ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлади.

Мустақилликнинг 7 йиллиги арафасида янги қўшма корхонада ишлаб чиқариладиган дастлабки велосипедларга ҳамкорлар «First» яъни ўзбекча «Биринчи» деб ном беришди.

***Шокир ТЎҒОНОВ.***

